

Сийрат дарслари (91-дарс). Жон таслим қилаётганларингизга «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни талқин қилинглр!



13:00 / 26.06.2020 4592

379. Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким кечаси уйғонганда: «Лаа илааҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу. Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр. Алҳамдулиллаҳи ва субҳаналлоҳи ва лаа илааҳа иллаллоҳу ва Аллоҳу акбар. Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи» деса ва «Аллоҳуммағфирлий» деса ёки дуо қилса, ижобат қилинади. Агар таҳорат қилиб, намоз ўқиса, намози қабул бўлади».**

Бухорий ривоят қилган.

380. Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ортдан келувчи (дуо ва зикр)лар бор. Уларни айтувчи ёки қилувчи ноумид бўлмайди. Ҳар фарз намоздан кейин ўттиз уч марта тасбиҳ, ўттиз уч марта ҳамд ва ўттиз тўрт марта такбир».**

Муслим ривоят қилган.

381. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Жон таслим қилаётганларингизга «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни талқин қилинглр»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан